

## **АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИ**

**Султонов Бобомурот Турсинбоевич**

Халқаро Нордик институти

[Murodsultanov084@gmail.com](mailto:Murodsultanov084@gmail.com)

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада аҳоли миграцияси тушунчаси, унинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари, камбағаллик, қашшоқликнинг пандемия шароитида дунёда ва Ўзбекистонда сиёсий, ҳуқуқий, глобал муаммолари ёритилган. Шунингдек, унда камбағаллик ва қашшоқликни тугатишнинг аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва иқтисодиётни ривожлантириши параметрлари ҳақида мантиқий фикр билдирилган.*

***Калит сўзлари:** Миграция, аҳоли миграцияси, ички ва ташқи миграцияси, камбағаллик, қашшоқлик, аҳоли бандлиги, тадбиркорлик, иқтисодиёт.*

### **АННОТАЦИЯ**

*В статье освещены понятие «миграция населения», его социально-экономические проблемы, бедность, нищета, политические, правовые и глобальные проблемы в мире и Узбекистане в условиях пандемии. А также в нем изложено логическое размышление о параметрах развития экономики и предпринимательства, обеспечении занятости населения по предотвращению бедности и нищеты.*

***Ключевые слова:** миграция, миграция населения, внутренняя и внешняя миграция, бедность, нищета, занятость населения, предпринимательство, экономика.*

### **ABSTRACT**

*This article highlights the concept of migration, its social-economic issues, political, legal, global problems of poverty in Uzbekistan and the world during the pandemic period. Moreover, it is stated logical ideas about providing the employment of population, parameters of developing entrepreneurship, as well as, economy in order to avoid poverty.*

***Key words:** migration, migration of population, internal and external migration, poverty, employment of population, entrepreneurship, economy.*

### **KIRISH**

**Аҳоли миграцияси** – аҳолининг яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ кўчиш. Аҳоли миграцияси аҳолининг муҳим муаммоларидан бири бўлиб, унга кишиларнинг оддий механик кўчиш ҳаракати деб эмас, балки ижтимоий-

иқтисодий ҳаётнинг кўп томонларини қамраган мураккаб ижтимоий жараён сифатида қаралади. Йўналишига кўра ташқи аҳоли миграцияси ва ички аҳоли миграцияси фарқланади. Ташқи аҳоли миграцияси мамлакатдан чиқиб кетиш (муҳожирлик), ички аҳоли миграцияси эса мамлакат доирасида, вилоят ва туманлараро яшаш жойининг ўзгариши. Миграция жараёнларида иштирок этувчилар – мигрант (муҳожир)лар, миграция оқими шаклланувчи ҳудуд – мигрантлар чиқувчи, улар борган ҳудуд – мигрантлар ўрнашувчи регион дейилади. Муайян мамлакатдан бошқа бирон-бир мамлакатга аҳолининг кўчиб кетиш жараёни эмиграция, унда иштирок этганлар эса эмигрантлар дейилади. Ва, аксинча бирон бир бошқа мамлакатдан маълум мамлакатга аҳолининг кўчиб келиши иммиграция, унда иштирок этганлар иммигрантлар (келгиндилар) дейилади.

“Миллоддан аввалги 384-322 йилларда яшаган машҳур ўхшаш бошқа азобларга чидай олмай ўз жонига суиқасд қилиш – бу мардлик эмас, аксинча, кўрқоқлик белгисидир. Чунки бу – ожизлик, қийинчиликлардан қочишдир. Ожиз киши ўлимни яхшилиги учун эмас, азоблардан қутулиш учун бўйнига олади”, деб ёзган эди.

Миллоддан аввалги тахминан 551-471 йилларда яшаган, ўзининг фалсафий таълимоти билан нафақат Хитой, балки бошқа халқлар ҳаётига ҳозир ҳам чуқур таъсир кўрсатаётган донишманд Конфуций эса: “Бойлик яхши кўрилиб, камбағаллик ёмон кўрилса, ғалаён чиқиши мумкин”, деб таъкидлаган эди.

XX аср ўзбек адабиёти, фани ва маданиятининг йирик вакили Абдурауф Фитрат ўз асарларидан бирида: “Тижорат масаласи башариятнинг ҳаёт-мамот масаласидир”[1:355], деган фикрни илгари сурган...

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Камбағалликнинг салбий оқибатларини эътиборга олган ҳолда, мамлакатимизда унга қарши курашишнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бориға айланди.

Ўзбекистонда аҳоли миграцияси жараёни янги завод ва фабрикаларнинг курилиши XX аср 50-60-йилларида Навоий, Зарафшон, Учқудук, Бекобод, Ангрен, Олмалик, Янгиер ва бошқа саноат шаҳарларининг барпо этилиши ҳамда уларни ишчи кадрлар билан таъминлаш мақсадида шўролар даврида собиқ СССРнинг марказий саноат районларидан аҳолини оммавий кўчириб келтириш ҳисобига юз берди. Натижада бу шаҳарларда туб жой аҳолиси озчиликни ташкил этиб, кўпчилиги република ташқарисидан йўлланма билан келган кишилар бўлди. 1966 йилги Тошкент зилзиласидан сўнг Тошкент шаҳри аҳолиси ҳам икки баробардан зиёд ортди. Уруш йилларида ўз юртларидан

қочоқ бўлганлар ва бадарға қилинганлар ҳам Ўзбекистонда қўним топдилар. Барча ҳудудлардаги қочоқларнинг турмуш шароити оғир. XX аср 80-йиллар охири, 90-йилларнинг бошларида собиқ иттифоқ ҳудудидан кўчиб кетиш ялпи тус олди. Масалан, аниқ маълумотларга кўра, Россиянинг ўзидан 1990 йилда 600 минг фуқаро чиқиб кетган. 1991 йилда бу кўрсаткич икки баробар ошди, 1992 йилда яна қўшилди. Кўчиб кетишнинг кучайиши малакали ходимлар ва интеллектуал кучларнинг, яъни энг керакли таркибнинг йўқолишига сабаб бўлади.

Жаҳоннинг турли нуқталарида нотинчлик сақланиб қолаётгани, зиддият ва зўравонликлар ортиб бораётгани, экологик офатлар ва бошқа замонавий хатарлар қашшоқлик ва камбағалликнинг глобал муаммоларини кучайтирмоқда.

БМТ Тараққиёт дастури ҳам Оксфорд университети ҳамкорликда ўтказилган сўнгги ўрганишлардан маълум бўлишича, 2019 йил сайёрамизнинг 101 мамлакатада истиқомат қилувчи 5,7 миллиард аҳолининг 1,3 миллиард нафари (23 фоиз) камбағалдир. Уларнинг 886 миллион нафари даромади камбағаллик чизиғи билан баробар бўлса, қолган 440 миллион нафари эса ўта қашшоқ саналади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, пандемиядан аввал қашшоқ одамлар сони қарийб 600 миллион киши эди. Пандемия туфайли бу рақамлар 71 миллионга кўпайиши баён этилди.

БМТ маълумотларига кўра, дунё аҳолиси тез ўсиб бормоқда ва 2050 йилда 9,8 миллиард кишига етади. Бунда 800 миллиондан ортиқ кишилар камбағаллик чизиғидан ташқарида қолади, яъни табиий офатлар, турли тўқнашувлар, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ўзгариши каби сабаблар натижасида очлик инқирозига учрайди. Экспертларнинг ҳисоб-китоб қилишича, 2030 йилдаёқ жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 70 фоизга кўпайтириш керак бўлади.

Шу боис ҳозирги шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ўта долзарб ҳисобланади. Айнан озиқ-овқат тақчиллиги муаммоси ижтимоий-сиёсий ҳалокатга сабаб бўлади, қашшоқлик ва камбағаллик доирасини кенгайтиради.

Барқарор ривожланишни таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартиришда муҳим омиллардан бири – таълим ва фан ролини кучайтириш, сифатли тиббий хизматни ташкил этишдир. Соғлом ҳамда билимли жамият капитал қўйилмаларнинг ўзини оқлаши коэффициентига ижобий таъсир кўрсатади, шунингдек, “камбағалликни бир авлоддан кейингисига ўтказиш”нинг олдини олади.

Ер юзида аҳолининг энг камбағал тоифаси (75 фоизга яқин) қишлоқ жойларда яшайди. Уларнинг турмуши, озиқ-овқат хавфсизлиги, асосан, қишлоқ жўжалигига боғлиқ. Кўпинча улар захиралар, хизматлар, технологиялар, бозор ва инфратузилмадан мосуводирлар.

БМТ Бош Ассамблеяси 2018-2019 йилларда “Барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини 2030 йилгача амалга ошириш фаолияти доирасида қишлоқдаги қашшоқликни бартараф этиш” резолюциясини қабул қилган. Мазкур ҳужжат ижтимоий-иқтисодий сиёсатни гендер аспекти, қашшоқликни йўқотиш, ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси камбағал қатламининг аҳолини яхшилаш ва ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга мўлжалланган тегишли технологиялар билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда юритишга даъват қилади.

Бугунги кунда коронавирус пандемияси сабабли юзага келган глобал инқироз барча мамлакат иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди.

Пандемия шароитида ишсизлик ва камбағалликнинг ўсиши энг ривожланган давлатларда ҳам улкан муаммога айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қашшоқлик чегарасида яшайдиган одамлар сони жудаям кўпайиб кетиши мумкин, деб ҳисобляпти. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2020-2021 йилларда дунёда қашшоқлар сони 150 миллионга ортди.[2]

Коронавирус пандемияси туфайли 1,6 миллиард ишчи-ходим ҳозирнинг ўзидаёқ даромадлари 60 фоиз пасайишига дучор бўлди. Даромадни йўқотиш, ижтимоий ҳимоянинг етишмаслиги ва нархлар ўсиши шуни англатмоқдаки, камбағаллик энди иқтисодий аҳоли илгари яхши бўлган одамларга ҳам хавф туғдирмоқда. Бунда аҳолиси ўртача даромадга эга бўлган мамлакатларда ҳам камбағаллик кўрсаткичи ортади, бундай мамлакатлар эса дунёда 60 фоизни ташкил этади. БМТ маълумотларига кўра, даромадларнинг ёш истеъмол даражасининг 20 фоизга пасайиши натижасида қашшоқликда яшайдиган одамларнинг сони 2018 йил кўрсаткичларига нисбатан 2023 йилга келиб 420-580 миллион кишигача ортиши мумкин.

Коронавирус пандемияси келтириб чиқарган янги иқтисодий инқироз ШХТ мамлакатларини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бунинг устига, ундан чиқиш чўзилиб кетиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Шу боис дунё аҳолисининг деярли ярми истиқомат қиладиган ШХТ давлатлари пандемиясининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларини бартараф этишга катта эътибор берапти. Асосий саъй-ҳаракатлар, энг аввало, ишсизлик ҳамда камбағалликка қарши курашишга қаратилмоқда.

ШХТ худудида 800 миллиёндан зиёд ёш авлод вакиллари яшайди. Шунинг учун ҳам иқтисодий имкониятларнинг йўқлиги хавfli тенденцияга айланиши ҳеч гап эмас, яъни ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар ўзини ҳуқуқбузарликка, шу жумладан, терроризм, одам савдоси ва гиёҳвандликка уриши мумкин. Шундай экан, ШХТ худудида камбағалликни қисқартириш масаласи минтақада хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

ШХТ Хартиясига мувофиқ, ушбу ташкилотнинг устувор мақсади минтақада иқтисодиётнинг ҳар томонлама ва мувозанатлашган ҳолда ривожлантиришга кўмаклашиш, унга аъзо давлатларда яшайдиган халқларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун тенг ҳуқуқли шериклик муносабатларини мустаҳкамлашдан иборат.

Шу мақсадда ШХТ аъзолари Россия раислигида ШХТнинг 2025 йилгача бўлган ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2021-2025 йилларда мўлжалланган Ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди. Уни 2020 йил ноябрида бўлиб ўтган ШХТ саммитида қабул қилинди. Мазкур ҳужжат ШХТга аъзо давлатларнинг камбағалликка қарши курашдаги ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ҳукумати бир кунда камбағаллик ва қашшоқликка қарши курашиш учун тахминан 2000 иш ўрни яратиш керак. Лекин буни нафақат Россия, на Ҳиндистон, на АҚШ ҳукумати амалга ошириши имконсиз. Бу ҳафтасига 14 минг иш ўрни, дегани. Бу рақамлар шундан далолат берадики, юртдошларимизнинг Россия, Туркия ва бошқа хорижий давлатларда иш излаб меҳнат мигрантига айланаётганининг бош сабаби бўлиши мумкин. Демак, меҳнат мигранти мавзуси ҳамон долзарб ва муҳим.

Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон – аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад кўрсаткичи бўйича даромадга эга мамлакатлар сирасига киради. Бошқача айтганда, Ўзбекистон учун қашшоқлик чизиғи – кунига 3,2 АҚШ долларидан кам пулга яшаш дегани.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотига кўра, 2020 йилнинг 1 июнь ҳолатида Ўзбекистоннинг 2 миллион нафардан зиёд фуқаролари ёки мамлакатимизнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 11 фоизи хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошироқда. Улардан 1 миллион 600 мингга яқини Россия Федерациясида. Меҳнат мигрантлари томонидан юборилаётган пул ўтказмаларининг умумий ҳажми тахминан 5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.[3]

2019 йилда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва хусусий бандлик агентликлари томонидан ташкилий асосда ёллаш йўли билан Россияда бор-йўғи 1425 киши ишга жойлаштирилган. Меҳнат мигрантларининг пул ўтказмалари

баъзи давлатларда миллий иқтисодиётнинг муҳим қисмини ташкил қилади. Бугунги кунда 2 миллиондан ортиқ ватандошларимиз, яъни меҳнатга лаёқатли аҳолининг 12 фоизи хорижда ишламоқда. Хусусан, давлатлар кесимида Россияда – 1,5 млн., Қозоғистонда – 240 минг, Кореяда 71 минг, Туркияда – 43 минг, БАА да 5 минг ва дунёнинг бошқа давлатларида 120 минг ватандошимиз меҳнат фаолиятини амалга оширмоқда.

Очигини айтиш керак, 2020 йилгача Ўзбекистонда нафақат қашшоқлик, балки камбағаллик ҳақида ҳам гапириш ва ёзиш мумкин эмасди. Биз тилимизга зўрлаб тиқиштирилган кам таъминланган, эҳтиёжмандлар сўзларни ишлатардик. Камбағал, дейишга мутлақо журъат қилмасдик. Энг аҳамиятлиси, бугун бу масалага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, камбағалликни қисқартириш бўйича салмоқли ишлар ҳам амалга ошириляпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаб ўтилганидек, “Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичик рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда”.[4:30]

Камбағалликни бартараф этишнинг энг самарали усули аҳоли бандлиги даражасини оширишдан иборат. Фуқаролар учун муносиб ва даромади юқори иш ўринларини яратиш билан боғлиқ. Бунинг учун ҳукуратимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес учун қулай шароит яратиш мақсадида барпо этилаётган имкониятлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бошқача айтганда, камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.[4:31] Шунинг учун Президентимиз Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этди. Камбағалликни қисқартиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилди. Бу борада Президентимиз биринчи марта камбағалликни қисқартиришга доир олиб борилаётган ишларни очиқ эълон қилди. 2020 йил 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида онлайн мулоқот режимида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзулардан бири сифатида

белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказишни таклиф этди.[5]

Ҳақиқатан, бугун мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Халқаро тажриба асосида камбағалликни қисқартиришнинг таъсирчан воситаларини амалиётга жорий этиш, уни ҳисоблашнинг мезон ва усуллари, узоқ муддатларга мўлжалланган стратегиялар ишлаб чиқилди. Жараёнларнинг илк давридаёқ камбағалликни қисқартириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш ҳамда мамлакатдаги иқтисодий ислохотлар аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилишини таъминлаш мақсадида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди.

Камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини яратиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубияти, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрлари асосларини пухта ишлаб чиқиш мақсадида қисқа муддатларда Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури, Осиё тараққиёт банки каби халқаро ташкилотларнинг 14 нафар эксперти жалб қилинди. Худудларда туман ва шаҳар даражасида камбағалликни қисқартириш бўйича вертикал тизим жорий этилди.

Ҳозирги вақтда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги белгилаб олинган вазифаларнинг иккинчи йўналишида камбағалликни қисқартиришнинг амалий механизмлар қамрови даражасини оширишга эътибор қаратилмоқда. Бунда камбағал оилаларнинг доимий даромад манбаини яратишда жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган 3 та восита – 1)дан камбағал аҳолининг доимий даромад манбаини яратиш учун дастлабки капиталини шакллантириш, 2)дан инсон капитали сифатини ошириш ҳамда 3)дан камбағал оилаларга тўғридан-тўғри моддий ва номоддий ёрдам кўрсатиш ишлари самарали йўлга қўйилди.[6]

Камбағал аҳолини қўллаб-қувватлашнинг дастлабки босқичларида аҳоли томорқаларини ривожлантириш, кам таъминланган, аммо меҳнатга лаёқатли инсонларни қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик ва бошқа соҳаларда кооперативларга жалб қилиш, бунинг учун имтиёзли кредитлар ва тўғридан-тўғри ёрдам кўрсатиш механизмига урғу берилди.

Вазирлик томонидан ишсиз ҳамда малакага эга бўлмаган аҳолини касб-хунарларга ўқитиш мақсадида янгича ёндашувлар ишлаб чиқилди. Жумладан, касб-хунарларга ўқитиш бўйича мономарказлар, устоз-шогирд анъанасини тиклаш ва кенгайтиришга қаратилган рағбатлантирувчи субсидиялар, “World

Skills” стандартлари асосида ўқитиш ишлари қисқа муддатларда ташкил этилмоқда. Шу билан бирга камбағал аҳолини тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишнинг ягона тизимини шакллантириш мақсадида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Бизнес ва тадбиркорлик кўникмалари бўйича қисқа муддатли ўқув курслар қамровини ошириш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда экспертлар билан биргаликда камбағалликни қисқартириш бўйича жаҳон тажрибасида кенг қўлланиладиган камбағаллик чегараси ва мезонларининг 4 та усули (мутлақ, нисбий, моддий депривация ва кўп ўлчамли камбағаллик индекси) орқали ҳисоблаш методологияси, қисқа муддатларда амалга оширилиши зарур бўлган чораларни ўзида мужассамлаштирган камбағалликни қисқартириш дастури, 2030 йилгача Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш стратегияси лойиҳаси каби қатор концептуал ҳужжатлар вазирлик томонидан ишлаб чиқилмоқда. Албатта бу чора-тадбирларнинг барчаси мамлакатимизда камбағалликни қисқартириб, аҳоли фаровонлиги, юқори турмуш даражасини таъминлашга хизмат қилиши аниқ. Президентимизнинг ташаббуси билан “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда ҳам бу борада аниқ вазифа ва йўналишлар белгилаб берилди.

Бугун меҳнат миграцияси глобал ривожланишнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, айни чоғда халқаро нуқтаи назардан ҳам жиддий масала ҳисобланади. БМТ маълумотларига кўра, сўнгги 50 йил ичида ўз мамлакатидан ташқарида яшовчи одамлар сони уч баробар ошган. Шу боис Ўзбекистонда ҳам бу йўналишлардаги муносабатларни тартибга солиш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, чет элда бўлиб турган хотин-қизларни, умуман, меҳнат мигрантларининг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб қувватлашга муҳим масала сифатида қаралмоқда.

Буни Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолияти мисолида ҳам кўрса бўлади. Масалан, COVID-19 тарқалиши сабабли хорижда қийин молиявий аҳволга тушиб қолган юртдошларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича агентликнинг [birgamiz.com](http://birgamiz.com) электрон платформасига келиб тушган меҳнат мигрантлари мурожаатлари ўрганилди. Натижада уларнинг 753 нафарига халқаро пул ўтказма тизими орқали моддий ёрдам берилди.[7] Ваколатхоналар аралашуви билан меҳнат мигрантларининг иш берувчилардан ундирилмаган 378 минг АҚШ доллари миқдорида иш ҳақлари ундирилди. Олий Мажлис

Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ҳам фуқаролардан келаётган мурожаатлар асосида аёл мигрантлар муаммоларини ҳал қилиш чоралари кўриляпти. Айни чоғда чет элдан қайтган мигрант аёллар билан ишлаш тизими маҳаллий Кенгашлар кўмагида мониторинг қилинмоқда. Айниқса, “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган опасингилларимиз билан олиб борилаётган ишлар юзасидан парламент назорати ўрнатилган.

Маълумки, Ўзбекистон меҳнат, миграция ва аҳолини ижтмоий ҳимоя қилиш бўйича халқаро шартномага кўшилди ҳамда Президентимизнинг “Халқаро шартномага кўшилиш тўғрисида”ги 4806-сонли Қарори қабул қилинди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мазкур халқаро шартнома амалга оширилиши учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгиланди. Ана шу ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижроси ҳақида 2020 йил 17 августда бўлиб ўтган Халқаро пресс-клуб сессиясида масъуллар меҳнат мигранти бўлган юртдошларимизнинг ҳуқуқий ҳимоясига оид мақсад ва вазифаларни маълум қилишди. 1991 йилларда Ўзбекистон аҳолиси 20 миллион атрофида бўлган. 2022 йилда 35,3 миллионга етди.[9] Қарийб икки баравар ошган. 2019 йилда мамлакатимизда 815 минг одам туғилган. Аҳоли сонига нисбатан бу катта ўсиш. Ўқишга кира олмаганлар ҳам иш қидиради. 2019 йилда Ўзбекистонда 388500 иш ўрни яратилган. Ҳар йили меҳнат бозорига 700 мингдан ортиқ одам кириб келади. Агар шу 700 мингни 365 кунга бўлиб ташласак, жуда катта рақамлар чиқади. Ўзбекистонда ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолининг 13,2 фоизини ташкил этади. Бу кўрсаткич ўтган 2019 йилнинг август ойи даврида 9,1 фоизга тенг бўлган, яъни 4 фоиз атрофида ўсиш мавжудлиги аниқланган. Ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони 1944 минг кишини ташкил этган (ишсизлик даражаси: 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида – 20,1 фоиз, аёллар ўртасида – 17,4 фоизга тенг). Меҳнат ресурслар сони 19084,6 минг кишини ташкил этиб, 2019 йилнинг август даврига нисбатан 0,6 фоизга кўпайган. Лекин иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони 2019 йилнинг август ойи даврига нисбатан 5 фоизга ёки 671 минг кишига камайиб, 12736,7 минг кишини ташкил қилган.[10]

Айрим чекловлар сабабли яқка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони 2019 йилнинг август ойига нисбатан 167,5 минг (ёки 46,4 фоиз)га камайиб кетгани билан 131,2 минг ишсизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилишга расмий бандлар сони кескин камайишининг олди олинди.[8] Карантин даврида уйда ўтирган фуқаролар сони ошгани ҳамда фуқароларнинг шахсий томорқаларни ривожлантириш учун субсидиялар бериш

дастурои туфайли деҳқон ва шахсий томорқаларда банд бўлганлар сони 201,1 мингтагача ошган.

## **ХУЛОСА**

Умуман, ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукуматлари томонидан камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, инвестициявий ҳамда ишчанлик муҳитини яхшилаш, аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалаларида келишилган ҳолда ёндашувларни ишлаб чиқишга имконият яратади. Бугунга глобаллашув даврида Ер юзидаги ҳар бир инсоннинг тўйимли озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш, очарчиликка бутунлай барҳам беришдек жиддий масъулиятни янада кучайтиради. Шу боисдан ҳам мавзу юзасидан қуйидаги хулосага келиш мумкин.

1. Камбағалликни бартараф этиш, Ер, озиқ-овқат ва сув тизимлари бири-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу муаммолар давлат, хусусий ҳамда фуқаролик жамиятлари ўртасида мувофиқлаштирилган ҳаракатлар орқали ҳал қилиниши керак.

2. Иқтисодий ривожланишнинг нотекислиги билан боғлиқ ривожланаётган мамлакатларни қолоқликдан, камбағалликдан чиқариш ва янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш ҳозирги даврнинг глобал муаммолари орасида алоҳида ўрин эгаллайди, чунки бу ерда вужудга келган халқаро муносабатлар тизими барқарорлашувининг кучли омиллари яшириниб ётади.

3. 2021-2022 ўқув йилидан эксперимент тариқасида кам қувватда ишлаётган мактабларни танлов асосида салоҳиятли талабгорларга ишончли бошқарувга беришга оид ташаббусни қўллаб-қувватлаш зарур. Олий таълим соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва қамровни ошириш, ҳар бир ҳудудда камида биттадан нодавлат олий билим юртини очиш мақсадга мувофиқ. Зеро, ҳудудларда нодавлат таълим ташкилоти ташкил этилса – рақобат бўлса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам тубдан ўзгаришга олиб келади (илм-маърифат ва нојот йўлидир).

4. Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Германиянинг IAMO (Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш илмий тадқиқот институти) ҳамда АҚШнинг IFPRI (Халқаро озиқ-овқат сиёсати тадқиқотлари илмий-тадқиқот институти) институти билан ҳамкорликни кучайтириш лозим.

5. Ўзбекистоннинг илм-фан ва таълим тадқиқотларидан кенг фойдаланиш, интеграциялаш Марказий Осиё давлатлари билан тенг ҳуқуқли шериклик ҳамда манфаатли ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани озиқ-овқат секторини барқарор ривожлантиришга ёрдам беради.

6. Ёшлар парламенти аъзолари томонидан Фармон лойиҳасига таълим-тарбия масаласига бутун жамият эътиборини кучайтириш, ёш авлодга таълим билан тарбия бериш жараёнлари ўртасида узвийликни таъминлаш, таълим муассасалари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик орасида ўзаро ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш бўйича ҳамда 5 йиллик иш стажига бўлган бакалавр даражасига эга ходимларга ҳам фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олим имкониятини яратиш ва таълимда Гендер тенгликни таъминлаш зарур.

7. **Доимий даромад манбаини яратиш.** Оилавий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, корпорацияларга жалб қилиш, ишга жойлаштириш.

8. **Инсон капитали сифатини ошириш.** Имтиёзли кредитлар, тўғридан-тўғри молиявий ёрдам бериш. Тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, касб-хунарга ўқитиш.

9. **Камбағал оилаларга тўғридан-тўғри моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш.** Аҳолининг муҳтож қатламига моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тизимини амалга ошириш бўйича тўртта сектор, маҳалла жамоатчилиги вакиллари, маҳаллий кенгаш депутатлари билан биргаликда эҳтиёжманд, моддий ёрдамга муҳтож оилалар рўйхати “Темир дафтар” ташкил этилди.

## REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Учинчи нашр.- Тошкент “O’zbekiston” нашриёти, 2022.-355-359-бетлар.
2. Норов В. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари амалий, долзарб ҳамда замонавий характерга эга. // “Халқ сўзи”, 2020 йил 27 октябрь.
3. Султонов И. Меҳнат мигрантлари ҳимояси кучайтирилади // “Халқ сўзи”, 2020 йил 5 август.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Т.4. -Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. -30-бет.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. // “Халқ сўзи”, 2020 йил 24 сентябрь.
6. Ортиқов А. Камбағалликка қарши курашиш бўйича глобал саммит ўтказилади. // “Янги Ўзбекистон”, 2020 йил 24 сентябрь.
7. Ватанимиз ривожига ва халқимиз фаровонлигини оширишга оид масалалар таҳлили // “Халқ сўзи”, 2020 йил 31 октябрь.
8. Жўраева М. Пандемияда Ўзбекистонда ишсизлар сони қанчагача кўпайди? // “Даракчи”, 2021 йил август.

9. Алиев, Б. (2022). Тараққиётда ахборотлашув ва рақамли иқтисодиёт. *Academic Research in Educational Sciences*, 3(3), 933–947. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-3-933-947>
10. Saifnazarov, I. (2023). Yangi O'zbekiston: inson qadri ulug'langan yurt. *Ilm-Ziyo-Zakovat*. – 209 bet.
11. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o'qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o'rni va ahamiyati. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(9), 1029-1038.
12. Aliyev, B. (2022). Qudrat va farovonlik omili. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(3), 1171-1182.
13. Sultanov, T. (2023). Methodological Issues of Human Capital Development. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY*, 4(4), 35-48. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/2G7FY>
14. Саифназаров, И., Умаржонов, С. (2022). Янги Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 414-424.
15. Умаржонов, С. С. (2022). Ижтимоий фанларни ўқитишда Фахриддин Розий асарларининг ўрни ва аҳамияти. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/737>
16. Султонов, Т. (2023). Истеъдоднинг икки муҳим томони. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари / Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук / *Actual Problems of Humanities and Social Sciences*., 3(2), 124–132. <https://doi.org/10.47390/1342V3I2Y2023N16>
17. Саифназаров, И. (2022). Pragmatizm tadbirkorlik falsafasi. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 924-929.